«ТАСДИҚЛАЙМАН» ЯТТ
“_____”

_____

«_____» _____ 20__ й

ИССИҚХОНАДА ПОМИДОР ВА БОДРИНГ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ

БИЗНЕС РЕЖА

_____ - 20__ й

НАМУНА

МУНДАРИЖА:

1. Қарз олувчининг қискача тарифи.

2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.

3. Бозор холатининг тахлили.

4. Ишлаб чиқариш режаси.

5. Ташкилий режа.

6. Молиявий режа.

1. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ.

1.1. Тадбиркорлик субъектининг номи: «_____»

1.2. Субъектнинг юридик мақоми: **Хусусий корхона**

1.3. Тадбиркорлик субъектининг давлат рўйхатидан ўтган вақти: _____ вилояти _____ шахридаги «_____» хусусий корхонаси _____ вилояти _____ шаҳар Давлат хизматлари марказидан 20__йил ____ № ___ – сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Хусусий корхона ўзининг тасдиқланган Низоми асосида қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- ***Маҳаллий шароитда етиштирилган мева-сабзавот ва картошка маҳсулотларини, шунингдек, барча турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш қайта ишлаш ва сотиш тизимини янада ривожлантиришни таъминлаш;***
- ***Тайёрлов ва қайта ишлов корхоналарининг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш, чет элда савдо уйлари ва ваколатхоналар очиш;***
- ***Чакана савдо хизмати кўрсатиш;***
- ***Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан чакана савдо хизмати кўрсатиш;***
- ***Спиртли ичимликлар чакана савдоси;***
- ***Қурилиш материаллари билан чакана савдо;***
- ***Яхна ичимликлар ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш;***
- ***Пластмасса, алюминь ва бошқа металлардан ойна эшик ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш, ўрнатиш;***
- ***Фаолиятнинг қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа турларини амалга ошириш.***

Корхона раҳбари тўғрисида маълумотлар

Паспорт серияси: _____ йилда _____ шаҳар ИИБ томонидан берилган.

Корхона манзили: _____ ***шаҳри*** _____ ***уй.***

Банк реквизитлари:

_____ вилояти _____ шаҳридаги «_____» хусусий корхонаси ҳисоб рақами _____**банкнинг** _____ филиалида очилган.

Ҳисоб ракам: _____ **ИНН :** _____ **МФО:** _____

2. ЛОЙИҲАНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ ВА ЙЎНАЛИШИ.

Лойиҳанинг асосий мақсади: «_____» хусусий корхонаси бугунги кунда ўзининг белгиланган фаолият турига асосланиб, аҳоли ва умумовқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи идора ташкилотларга иссиқхонада етиштириб, халқимизга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишни амалга ошириш учун йилига 18 фоиз бўлган 20 000,0 минг сўм пул маблағини кредитга олиб иш бошламоқчи.

Бу мақсадни амалга ошириш учун 25 000,0 минг сўм атрофида маблағ сарфланиши кўзланмоқда. Лекин хусусий корхона ўзининг ҳозирги кундаги имкониятидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, йилига 18 фоизли ставка бўйича 20 000,0 минг сўм миқдоридаги кредит маблағини 3 йил муддатга олиш зарур деб ҳисобламоқда.

Буларга қўшимча ушбу фаолиятни ташкил қилиш билан бир қаторда хусусий корхонада 3 та янги иш ўрни яратишни ҳам мақсад қилган.

Лойиҳанинг асосий йўналиши: «_____» хусусий корхонаси ҳозирда 800 м2 бўлган ер майдонида маҳсулот етиштиришни режалаштирган, шундан 400 м2 ер майдонига памидор ва 400 м2 ер майдонида бодринг маҳсулоти етиштиради.

Барчамизга маълум ушбу маҳсулотларга бугунги кунда талаб жуда катта, чунки бу етиштириладиган маҳсулотлар аҳолининг кундалик эҳтиёжларида ва тўй-ҳашамларда кўплаб ишлатилади.

Булардан ташқари МЧЖ бошқа иссиқхона ташкилотлардан фарқли равишда сотиладиган помидор ва бодринг маҳсулотларини 10-15% арзон нархда ва сифатли қилиб етказиб беришни режалаштиряпти.

Изоҳ: «_____» хусусий корхонаси ушбу кўзланган мақсадни банкдан кредит маблағини олгандан кейин амалга оширади.

Булардан ташқари иссиқхонада етиштириладиган маҳсулотларни навларини топиш ва уларни экиш, миннерал ўғитлар бериш ва бошқа харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширишни мақсад қилган.

Сотиладиган маҳсулотлар рўйхати:

- Помидор маҳсулотлари;
- Бодринг маҳсулотлари.

3. БОЗОР ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

«_____» хусусий корхонаси томонидан етиштириладиган маҳсулотларга бугунги кунда талаб жуда катта, чунки ушбу етиштириладиган маҳсулотлар аҳолининг кундалик эҳтиёжларида кўплаб ишлатилади ва турли хил тўй-томошаларда ҳамда турли тадбирларда севиб истеъмол қилинади.

Бугунги кунда республикамиз аҳолисининг кўпчилигини ёшлар ташкил қилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёш оилаларга катта эътибор қаратилмоқда. Шуларга асосан ҳозирда вилоятимизда экологик муҳитнинг жудаям талаб даражасида эмаслиги ва бугунги кунда аҳоли ва ёшлар қиш мавсумида ҳам витаминларга бой мева-сабзавотларни кўплаб истеъмол қилишлари зарур.

Хусусий корхона жойлашган туманга энг яқин 3 та туманда (яъни _____, _____ ва _____ туманлари) иссиқхонада мева-сабзавотларни етиштириш билан шуғулланувчи корхоналарда мавжуд маҳсулотлар нархлари таҳлил қилиниб, маҳсулотлар нархларини ушбу корхоналардаги нархларга нисбатан арзон ба=оларда белгиланиши режалаштирилган.

Ушбу туманларнинг помидор ва бодринг маҳсулотларига бўлган талабига келсак юқорида айтиб ўтилганидек ушбу маҳсулотлар аҳолининг кундалик эҳтиёжларида ишлатиладиган ва севиб истеъмол қиладиган маҳсулотлар ҳисобланади.

Булардан ташқари 3 та туманнинг ҳеч бирида 20__ йил давомида тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан янги маркетинг ишлари олиб борилмаганлиги ва маҳсулотлар нархларининг кескин ошириб сотаётганлари маълум бўлди.

Хусусий корхона ушбу ўрганиш ишларига асосан иссиқхона ташкил қилиш билан бир қаторда маҳсулотлар нархларини бошқа корхоналарида мавжуд нархлардан 10-15% арзон сотишни режалаштирган ва бозорда ўз ўрнини маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва арзон нархларда сотиб топишни, бозорга киришни мақсад қилган.

МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ
(помидор ва бодринг маҳсулоти экилиши).



5 м² ер майдонига 64 нав помидор ва бодринг маҳсулоти экиш мумкин бўлса, **400 м²** ер майдонига 5 120 нав помидор ва бодринг маҳсулоти экиш мумкин.

1 помидор навидан ўртача 0,5 кг ҳосил олсак 5 120 помидор навидан 2 560 кг помидор маҳсулоти етиштириш мумкин бўлади.

1 бодринг навидан ўртача 0,8 кг ҳосил олсак 5 120 бодринг навидан 4 096 кг бодринг маҳсулоти етиштириш мумкин бўлади.

Изоҳ: Маҳсулот ҳар 3 ойда етиштирилади.

Булардан ташқари ушбу маҳсулотлар нархлари мавсумга қараб ўзгартириб борилган.

Йилнинг январь, февраль, март, октябрь, ноябрь ва декабрь ойларида ҳаво совуқ ва салқин бўлиши кузатилган ҳамда маҳсулотлар нархлари ошиб бориши кўзда тутилган.

Йилнинг апрель, май, июнь, июль, август ва сентябрь ойларида ушбу маҳсулотлар маҳаллий шароитда етиштирилиши инобатга олиниб маҳсулотлар нархлари кескин пасайиши кўзда тутилган.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАСИ

«_____» хусусий корхонаси олинадиган кредит маблағи ҳисобига 25 000,0 минг сўмлик иссиқхона қуриш учун зарур қурилиш материалларини олишни режалаштирган.

Изоҳ: Корхона ушбу мақсадни амалга оширишни кредит маблағини олгандан кейин йўлга қўяди.

Маблағни лойиҳа бўйича сарфланиш йўналишлари:

№	Мавжуд маблағни лойиҳа бўйича сарфланиши	Сони	Баҳоси, (минг сўм)	Сумма, (минг сўм)
1	Иссиқхона қурилиши учун қурилиш материаллари (банк кредити)			20 000,0
2	Уруғлик, кўчат ва минерал ўғитлар (ўз ҳисобидан			5 000,0
3	**Лойиҳанинг умумий баҳоси:**			**25 000,0**

Изоҳ: Иссиқхонада маҳсулотларни етиштириш, уларга минерал-ўғитлар бериш ва бошқа харажатлар корхона ҳисобидан амалга оширилади.

5. МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

«_____» хусусий корхонасида ҳозирда 2 та ишчи хизматчи ишлаб келмоқда, булар раис ва бош ҳисобчи (улар корхонанинг бошқа даромадлари ҳисобидан иш ҳақи олишади).

Корхона ўз олдига қўйган мақсадни яъни лойиҳани амалга оширса корхонада яна 3 нафар янги иш ўрни яратилади.

ИШ ҲАҚИ ФОНДИ

(минг сумда)

№		Ишчи ўрни	Иш ҳақи	1 ойда	1 йилда
Бошқарув аппарати ходимлари					
1	Раҳбар	1	1 500,0	1 500,0	18 000,0
2	Ҳисобчи	1	1 300,0	1 300,0	15 600,0
	Жами иш ҳақи	**2**		**2 800,0**	**33 600,0**
3	Иш ҳақи жамғармасидан 12% ажратма			336,0	4 032,0
	Иш ҳақи учун жами харажат			**3 136,0**	**37 632,0**
Иссиқхона ишчи ходимлари.					
4	Ишчи ходимлар	3	750,0	2 250,0	27 000,0
5	Иш хақидан ажратма 12 %			270,0	3 240,0
-	**Иш хақи учун жами харажат**			**2 520,0**	**30 240,0**
Жами иш хақи учун харажати		**5**		**5 656,0**	**67 872,0**

6. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

«_____» хусусий корхонаси ўз фаолияти давомида етиштирган маҳсулотларини сотишдан тушган суммадан барча сарф харажатлар ва мажбурий тўловларни чегирганда қолган қисми корхонанинг даромади ҳисобланади.

Етиштирилган маҳсулотлар таннархи унга сарфланган хом-ашё, ишчи-хизматчилар маоши, амортизация, электр энергия, газ сарфи ва бошқа кутилмаган сарф харажатлардан шаклланади.

МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ РЕЖАСИ

_____ вилояти _____ шаҳридаги «_____» хусусий корхонаси ўзида мавжуд маблағни иссиқхона фаолиятини ташкил қилиш мақсадида ўзида мавжуд ерни иссиқхонага мослаштириб қурилиш ишларини олиб боришни мақсад қилиб қўйган. Бу мақсад кредит маблағи ҳисобидан амалга оширади. Хусусий корхона ўз имкониятларидан келиб чиқиб, маҳсулотлар етиштириш ҳажмини қуйидагича белгилайди:

МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМИ

№	Лойиха мақсади	Ўлчов бирлиги	3 ойда	1 йилда*
1	Помидор махсулоти етиштириш	кг	5 000	20 000
2	Бодринг маҳсулоти етиштириш	кг	6 000	24 000

** Корхона хар ойда 30 кун ахолига хизмат кўрсатишни амалга оширади.*

1 йиллик ПОМИДОР маҳсулоти етиштириб сотишдан пул тушуми.



1 йиллик БОДРИНГ маҳсулоти етиштириб сотишдан пул тушуми



АМАРТИЗАЦИЯ

Корхона иссиқхонада 20 000 000 сўмлик қурилиш ишларини амалга оширгандан кейин тайёр булган иссиқхонани 25 000 000 сўм қилиб баҳоласак амартизацияси қуйидагича бўлади.

25 000 000 : 5 = 5 000 000 сўмни ташкил қилади 1 йилига.

5 000 000 : 2 = 2 500 000 сўмни ташкил қилади ҳар бир хизмат кўрсатиш учун

(сўмда)

№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Амортизация	сўм	8 680,5	208 333,3	2 500 000

Шунингдек, маҳсулотларни сақлаш, биноларни иситиш, ёритиш харажатлари ўзгармас харажатлар бўлиб, ҳисоблагич ва белгиланган нормативлар асосида ҳисобланади. Бу харажатлар йилига 2 400 000 сўмни ташкил қилади. 2 400 000 : 2 = 1 200 000 сўмни ташкил қилади ҳар бир маҳсулот учун (яъни помидор ва бодринг маҳсулотлари учун).

БОШҚА ХАРАЖАТЛАР

(сўмда)

№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Бошқа харажат	сўм	4 166,7	100 000	1 200 000

БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ

Бошқарув харажатлари 1 йилига 4 166 400 сўмни ташкил қилади.

Ҳар бир хизмат учун 4 166 400 : 2 = 2 083 200 сўмни ташкил қилади.

(сўмда)

№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Бошқарув харажатлари	сўм	7 233,3	173 600	2 083 200

ХОМ АШЁ ХАРАЖАТИ
400 м2 ер майдонига ўғит харажати

№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Суммаси	Жами
1	Кўчатлар	дона	4000	500	2 000 000
2	Ўғитлар				3 000 000
	Жами				**5 000 000**

Демак 400 м2 ер майдонига жами 3600 сўмлик ўғит маҳсулотлари сарф қилинса жами 800 м2 ер майдонига 7200 сўмлик ўғит сарфланади.

Хар бир кг маҳсулот учун 3600 : 2560 = 1,4 сўмлик ўғит сарфланар экан.

ПОМИДОР ва БОДРИНГ маҳсулотларнии етиштириш таннархи:

№	Харажатлар	Ўлчов бирлиги	1 ойда (минг сўмда)	3 ойда (минг сўмда)	1 йилда (минг сўмда)
1	Хом ашё	-	166,7	500,0	2 000,0
2	Амартизация	-	208,3	626,4	2 505,6
3	Бошқа харажатлар	-	250,0	750,0	3 000,0
4	Иш хақи	-	5 050,0	15 150,0	60 600,0
5	Иш хақидан ажратма 12%	-	606,0	1 818,0	7 272,0
6	**Жами харажат**	-	**6 281,5**	**18 844,4**	**75 377,6**
7	**Сотиш бахоси**	-	**15 000,0**	**45 000,0**	180 000,0
8	**Фойда**	-	**8 718,5**	**26 155,6**	**104 622,4**

Шундай қилиб Корхона устама хақи йилига **18 фоиз** бўлган **20 000,0 минг сўм** кредит маблағидан **3 йил муддатга** фойдаланиши натижасида **104 622,4 минг сўм** даромад қилади. 10 266,7 минг сўм миқдоридаги 1 йиллик кредит асосий қарзи ва фоизларини тўлагандан кейин корхона ҳисобида **94 355,7 минг сўм** соф фойда қолади.

Бу маблағдан корхона кейинги фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланади.

«_____»

хусусий корхонаси раҳбари _____

«_____» Хусусий корхонасининг
йилига устама 18 фоиз бўлган 20 000,0 сўм кредит маблағини
қайтариш ГРАФИГИ.

Ойлар	Ой бошига қолдик	1 ойлик даромад	Кредит асосий суммаси қолдиги	Кредит маблағи қайтиши	Кредит фоизи	Жами тўлов	Ой охирига қолдик
1	0,0	0,0	20000,0	0,0	0,0	0,0	0,0
2	0,0	0,0	20000,0	0,0	0,0	0,0	0,0
3	**0,0**	**4870,1**	**20000,0**	**0,0**	**900,0**	**900,0**	**3970,1**
4	3970,1	0,0	20000,0	0,0	300,0	300,0	3670,1
5	3670,1	0,0	20000,0	0,0	300,0	300,0	3370,1
6	**3370,1**	**1455,1**	**20000,0**	**0,0**	**300,0**	**300,0**	**4525,2**
7	4525,2	0,0	20000,0	0,0	300,0	300,0	4225,2
8	4225,2	0,0	20000,0	0,0	300,0	300,0	3925,2
9	**3925,2**	**206,8**	**20000,0**	**0,0**	**300,0**	**300,0**	**3832,0**
10	3832,0	0,0	20000,0	0,0	300,0	300,0	3532,0
11	3532,0	0,0	20000,0	0,0	300,0	300,0	3232,0
12	**3232,0**	**7084,0**	**20000,0**	**0,0**	**300,0**	**300,0**	**10016,0**
13	10016,0	0,0	20000,0	833,3	300,0	1133,3	8882,7
14	8882,7	0,0	19166,7	833,3	287,5	1120,8	7761,9
15	**7761,9**	**4870,1**	**18333,4**	**833,3**	**275,0**	**1108,3**	**11523,7**
16	11523,7	0,0	17500,1	833,3	262,5	1095,8	10427,9
17	10427,9	0,0	16666,8	833,3	250,0	1083,3	9344,6
18	**9344,6**	**1455,1**	**15833,5**	**833,3**	**237,5**	**1070,8**	**9728,8**
19	9728,8	0,0	15000,2	833,3	225,0	1058,3	8670,5
20	8670,5	0,0	14166,9	833,3	212,5	1045,8	7624,7
21	**7624,7**	**206,8**	**13333,6**	**833,3**	**200,0**	**1033,3**	**6798,2**
22	6798,2	0,0	12500,3	833,3	187,5	1020,8	5777,4
23	5777,4	0,0	11667,0	833,3	175,0	1008,3	4769,1
24	**4769,1**	**7084,0**	**10833,7**	**833,3**	**162,5**	**995,8**	**10857,3**
25	10857,3	0,0	10000,4	833,3	150,0	983,3	9874,0
26	9874,0	0,0	9167,1	833,3	137,5	970,8	8903,2
27	**8903,2**	**4870,1**	**8333,8**	**833,3**	**125,0**	**958,3**	**12815,0**
28	12815,0	0,0	7500,5	833,3	112,5	945,8	11869,2
29	11869,2	0,0	6667,2	833,3	100,0	933,3	10935,9
30	**10935,9**	**1455,1**	**5833,9**	**833,3**	**87,5**	**920,8**	**11470,1**
31	11470,1	0,0	5000,6	833,3	75,0	908,3	10561,8
32	10561,8	0,0	4167,3	833,3	62,5	895,8	9666,0
33	**9666,0**	**206,8**	**3334,0**	**833,3**	**50,0**	**883,3**	**8989,5**
34	8989,5	0,0	2500,7	833,3	37,5	870,8	8118,7
35	8118,7	0,0	1667,4	833,3	25,0	858,3	7260,4
36	**7260,4**	**7084,0**	**834,1**	**834,1**	**12,5**	**846,6**	**13497,8**

«_____»
хусусий корхонаси раҳбари _____